

ИСЛОМДА ИЖАРА ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ИЖТИМОЙ МУНОСАБАТЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШДАГИ ЎРНИ

ПОНЯТИЕ АРЕНДЫ В ИСЛАМЕ И ЕЕ РОЛЬ В РЕГУЛИРОВАНИИ ОБЩЕСТВЕННЫХ ОТНОШЕНИЙ

THE CONCEPT OF IJARA IN ISLAM AND ITS ROLE IN THE REGULATION OF SOCIAL RELATIONS

Erkaev MAMURJON,
INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF
UZBEKISTAN,

Base doctoral student of "ISESCO" study of Islamic
studies and Islamic civilization source study.

M.Erkaev@iia.uz

11, A.Kadiri, Tashkent, 100011, Uzbekistan.

DOI: 10.47980/TLOI/2021/1/2

Аннотация: Ушбу мақолада ислом ҳуқуқида ижтимоий-ҳуқуқий муносабатларга оид ижара шартномаси билан боғлиқ масалалар тадқиқ этилган.

Мазкур мавзунинг ўрганишининг аҳамиятли томони шундаки, инсонлар ўртасидаги ўзаро ижтимоий-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш билан бирга, соҳага доир бугунги кундаги долзарб муаммоларга ечим бўлади.

Илмий мақолада "ижара" сўзининг луғавий маъноси луғат, мўъжам, қомус ва бошқа манбаларда келтирилган маълумотлар асосида муҳокама қилинган. Унинг илмий-истилоҳий маъноси борасида нафақат ҳанафий мазҳаби муҷтаҳидларининг фикрлари балки, аҳли сунна вал жамоанинг бошқа мазҳаб фақиҳларининг фикрлари илмий жиҳатдан ўрганилиб, қиёсий таҳлил қилинган.

Шунингдек, ижара шартномасининг шариатда жоизлиги билан боғлиқ далиллар, жумладан, Қуръон оятлари, ҳадислар келтирилиб, улар хусусида муфассир ва муҳаддисларнинг фикрлари ёритилди. Шу билан бирга ижара шартномасини шариатда жоиз эмас, деб даъво қиладиган олимларнинг фикрлари ва уларнинг далиллари баён қилинган. Уларнинг фикрлари атрофлича тадқиқ ва қиёсий таҳлил қилиниб, раддиялар билдирилган.

Мақсади. Ислом ҳуқуқига оид манбаларда ижара шартномалари билан боғлиқ маълумотларни таҳлил этиш, унинг ҳуқуқий асосларини илмий жиҳатдан асослаб беришдан иборат.

Усуллар. Мавзунинг ёритишда комплекс ёндашув, тизимлилик, тарихийлик, қиёсий-танқидий, манбашунослик каби методлар, шунингдек, умумий илмий-тадқиқот усулларида кенг фойдаланилган.

Натижалар. Ижаранинг луғавий маъноси хусусида луғат, мўъжам, қомус ҳамда фикҳий манбаларда келган маълумотлар ўрганилди, таҳлил қилинди ва илмий хулосалар билдирилган. Демак, ижара сўзи луғатда "бирон бир амал эвазига берилган иш ҳақи" маъносини ифода қилган.

Ижаранинг илмий-истилоҳий маъноси нафақат ҳанафий мазҳабида оид фикҳий манбалар асосида балки, аҳли сунна вал жамоанинг бошқа мазҳабларига оид фикҳий манбалар асосида ўрганилиб, қиёсий таҳлил қилинган. Демак, унинг илмий-истилоҳий маъноси: бир нарсани маълум миқдордаги эваз баробарига вақтинча фойдаланиш учун бериш ёки олиш ҳамда шахсни муайян бир эваз баробарига бирон бир ишга ёллашдир.

Шунингдек, мақолада ижара шартномаси шариатда гарчи Қуръон оятлари, ҳадислар ва ижмои уммат (уламолар иттифоқи) асосида собит бўлган бўлса-да, истеҳсон масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Таъкидлаш жоизки, ҳанафий мазҳаби фақиҳлари ижтимоий муносабатлар билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишда истеҳсон услубидан кенг фойдаланган.

Таянч ноборалар: ижара, истеҳсон, самоъий, қиёсий, фойда, эваз, ақд, иш ҳақи, масдар, нажш, маҳри мисл.

Аннотация: В данной статье были рассмотрены вопросы, связанные с договором аренды в исламских социально-правовых отношениях.

Важным аспектом изучения данной темы является возможность решения актуальных проблем сегодняшнего дня наряду с регулированием социально-правовых отношений между людьми в сфере арендования.

В научной статье лексическое значение слова «ижара» (рента или аренда) рассматривается с позиций семантики, приводится дефиниция из энциклопедического и лингвистического словарей и других источников. В статье на основе научного анализа исследуются и сопоставляются значения термина согласно исламскому праву не только исходя из мнения муджтахидов ханафитского мазхаба, но и мнений правоведов, представляющих другие мазхабы ахл ас-сунна вал-джамаа.

Также представлены доказательства допустимости договора аренды по шариату. В данной работе приводятся аяты Священного Корана и хадисы, а также мнения толкователей Священного Корана и мухаддисов по этому поводу. При этом были подробно изучены взгляды, решения и аргументы ученых, утверждающих, что договор аренды недопустим по шариату. Проведено комплексное исследование и сравнительно-сопоставительный анализ их взглядов и мнений, а также представлены опровержения относительно них.

Цель. Анализ сведений по договору аренды в исламских правовых источниках, а также научное обоснование его правовой основы.

Методы. При освещении темы широко использовались такие методы, как комплексный подход, системный, исторический, сравнительно-критический, источниковедческий, а также общие исследовательские методы.

Полученные результаты. Осуществлено исследование и сравнительно-сопоставительный анализ сведений толковых, лексических, энциклопедических словарей и юридических источников о лексическом значении термина «аренда», сделаны научные выводы. Таким образом, установлено, что словарное значение термина «ижара» (рента или аренда) означает «заработная плата за определенное действие».

Научное и терминологическое значение аренды было изучено и сравнительно проанализировано не только на основе источников фикха, принадлежащих ханафитской школе, но и на основе источников фикха, принадлежащих другим мазхабам ахл ас-сунна ва-л-джамаа. Следовательно, его научное и терминологическое значение - дать или получить что-то во временное пользование за определенную сумму денег и нанять человека для выполнения какой-либо работы за определенную сумму денег.

В статье особое внимание уделено освещению вопроса истихсана, несмотря на то, что договор аренды зафиксирован в шариате на основе аятов Корана, хадисов и консенсуса уммы (союза ученых). Следует отметить, что ханафитские юристы широко использовали метод истихсана при решении проблем, связанных с общественными отношениями.

Ключевые слова: аренда, производство, сама, сравнительная, прибыль, обмен, контракт, зарплата, масдар, найш, махри мисл.

Abstract: This article examines the issues related to the lease agreement in Islamic social and legal relations.

A substantial aspect of studying this topic is the possibility of solving urgent problems associated with social and legal relations concerning rental issues.

In the scientific article, the lexical meaning of the word "Ijara" (rent or lease) is considered from the standpoint of semantics. A definition is given from the encyclopedic and linguistic dictionaries and other sources. Based on scientific analysis, the article examines and compares the meanings of the term according to Islamic law based on the opinion of the mujtahids of the Hanafi madhhab and jurists representing other madhhabs of ahl as-sunna wa-l-jama'a.

It also provides evidence of the admissibility of a lease under Sharia law. The decisions and arguments of scholars who claim that a lease is unacceptable under Sharia were studied in detail.

Purpose. Analysis of information on a lease agreement in Islamic legal sources and scientific substantiation of its legal basis.

Methods. We used such methods as an integrated approach, systemic, historical, comparative-critical, source study, and general research methods.

Results. The research and comparative analysis of explanatory, lexical, encyclopedic dictionaries and legal sources on the lexical meaning of the term "rent" are carried out. We have established that the dictionary meaning of the term "Ijara" (rent or lease) means "wages for a certain action." We conducted a comparative study of the scientific and terminological meaning of rent based on fiqh sources belonging to the Hanafi school and other madhhabs of ahl as-sunna wa-l-jama'a. Therefore, its scientific and

terminological meaning is to give or receive something for temporary use for a certain amount of money and hire a person to do some work for a certain amount of money.

The article pays special attention to highlighting the issue of istihsan, even though the lease agreement is fixed in the Sharia, the verses of the Koran, hadith, and the consensus of the ummah (union of scholars). Hanafi jurists widely used the istihsan method in solving problems related to social relations.

Keywords: rent, production, itself, comparative, profit, exchange, contract, salary, masdar, naysh, mahri misl.

КИРИШ

Ҳанафий мазхабининг классик даврида ислом оламида, шу жумладан Мовароуннаҳрда яшаб ижод қилган мужтаҳид фақиҳларнинг ислом ҳуқуқшунослигига оид қарашлари ҳамда фикҳ илмига бағишланган бир қатор асарларида ижара шартномалари билан боғлиқ фикҳий қоидаларни ишлаб чиқилиши ижтимоий-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишда муҳим аҳамият касб этди.

Ижара, яъни бирор нарсани муайян миқдордаги эваз баробарига вақтинча фойдаланиш учун бериш ёки олиш борасида ҳуқуқий маданиятни тартибга солиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир. Зеро, ижара масалалари инсонлар томонидан энг кўп мурожаат қилинадиган ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар сирасига қиради. Демак, унинг ҳуқуқий жиҳатларини ёритиш, таҳлил қилиш, тадқиқ этиш одамлар орасида ўзаро ҳуқуқий маданиятни шакллантириш билан бирга, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилинишига олиб келади.

ТАДҚИҚОТНИНГ МАҚСАДИ

Ислом ҳуқуқига оид манбаларда ижара шартномалари билан боғлиқ маълумотларни таҳлил этиш, унинг ҳуқуқий асосларини илмий жиҳатдан асослаб беришдан иборат.

УСЛУБЛАР

Мавзуни ёритишда комплекс ёндашув, тизимлилик, тарихийлик, қиёсий-танқидий, манбашунослик каби методлар, шунингдек, умумий илмий-тадқиқот усулларида кенг фойдаланилди.

НАТИЖА

Ижаранинг луғавий маъноси хусусида луғат, мўъжам, қомус ҳамда фикҳий манбаларда келган маълумотлар ўрганилди, таҳлил қилинди ва илмий хулосалар билдирилди. Демак, ижара сўзи луғатда "бирон бир амал эвазига бирилган иш ҳақи" маъносини ифода қилади.

Ижаранинг илмий-истилоҳий маъноси нафақат ҳанафий мазхабига оид фикҳий манбалар асосида

балки, аҳли сунна вал жамоанинг бошқа мазҳабларига оид манбалар асосида ўрганилди ва қиёсий таҳлил қилинди. Демак, унинг илмий-истилоҳий маъноси: бир нарсани маълум миқдордаги эваз баробарига вақтинча фойдаланиш учун бериш ёки олиш ҳамда шахсни муайян бир эваз баробарига бирон бир ишга ёллашдир.

Шунингдек, мақолада ижара шартномаси шариатда гарчи Қуръон оятлари, ҳадислар ва ижмои уммат (уламолар иттифоқи) асосида собит бўлган бўлса-да, истехсон масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Таъкидлаш жоизки, ҳанафий мазҳаби фақиҳлари ижтимоий муносабатлар билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишда истехсон услубидан кенг фойдаланган.

МУҲОКАМА

Ислом ҳукукида ҳар бир фикҳий атаманинг тилшунослик нуқтаи назардан асос бўладиган маънолари бўлиб, фикҳнинг муайян соҳасини ўрганишда атаманинг икки хил жиҳатини билиш муҳим саналади. Демак, ижара муносабатларига оид фикҳий масалаларни ўрганишдан олдин унинг луғавий ва илмий истилоҳий маънолари билан танишиш мақсадга мувофиқдир.

“Ижара” сўзининг луғавий маъноси тўғрисида баҳс юритган олимлар унинг келиб чиқиши ва қайси бобга тегишли экани ҳамда келишларда қўлланишига қараб қандай маъно англатишини айтиб ўтганлар. Жумладан, “Кифоя” китобида ижара сўзи луғатда “эваз” ва “савоб” деган маъноларни англатади. Қилинган нарсага бериладиган мукофотнинг “ажр” деб аталиши ҳам шундан (Shayx Muhammad Sodiq, 2018, J.3, p.199), дейилган.

Таърифдаги “эваз” сўзини кенг маънода тушуниш мумкин. Чунки бажарилган иш учун бериладиган хизмат ҳақи ёки бирор нарса эвазига бериладиган бадал маъноларини ҳам англатади.

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати” китобида ижара [ا. إجاره - бирор нарсани фойда, ҳақ эвазига бериш ёки олиш]. Бирор кимса ёки ташкилотга тегишли нарсдан маълум ҳақ тўлаб, вақтинча фойдаланиш (Mirzayev T., 2008, J.2, p.175), деб келтирилган.

“Китобул фикҳ ʼала мазаҳибил арбаʼ” китобида الإجازة [al-ijaarotu] сўзининг аввалидаги ҳамза бош, тушум ва қаратқич келишларидида қўлланилади. Кўпинча қаратқич келишигида ишлатилади. У ўтган замон феъли أَجَرَ [ajaro]нинг самоъий ўзагидир. Хозирги-келаси замон феъли فَعَلَ-يَفْعُلُ [faʼala-yafʼulu] ва فَعَلَ-يَفْعُلُ [faʼala-yafʼulu] бобларида келиши мумкин. Маъноси, “хизмат ҳақи”. Айримлар, у самоъий масдар эмас. Чунки أَجَرَ феълининг қиёсий масдари الأجر [al-ajru]дир. الإجازة [al-ijaarotu] сўзи

феълининг самоъий масдари дейиш асоссиз. Балки, у хизмат ҳақи сифатида бериладиган нарса учун қўлланиладиган сўздир (Abdurahmon Jazariy, 2003, J.3, p.86), деб баён қилинган.

Аслида ўзак ҳарфлари уч ҳарфдан иборат бўлган феълларнинг масдарлари қиёсий (қоидага асосланган) бўлмайди, балки самоъий (оғиздан оғизга ўтиб келган) бўлади, яъни луғат, қомус ва мўъжам китобларида қандай келтирилган бўлса, шундайлигича қабул қилинади. Чунки тўрт ва ундан ортиқ ҳарфлардан иборат феълларнинг масдарлари қиёсий масдар ҳисобланади. Уларнинг бобларда қўлланишига қараб масдарининг вазнини билиш мумкин.

“Лисанул араб” асарида таъкидлашича: الإجازة [al-ijaarotu] сўзи أَجَرَ-يَأْجُرُ [ajaro-yaʼjiru] феълидан ясалган исм бўлиб, бирон бир амал эвазига бирилган иш ҳақи маъносини ифода қилади” (Ibn Manzur, 2005, J.4, p.10-11).

“Мисбаҳул мунир” асарида баён қилишича: الإجازة [al-ijaarotu] сўзининг аввалидаги “ҳамза” қаратқич келишиги, яъни إِجَارَةٌ [ijaarot;un] бўлиб талаффуз қилинади ва “иш ҳақи” маъносини ифода қилади. Айримлар “ҳамза”ни бош келишиқда, яъни أُجَارَةٌ [ujaarot;un] бўлиб келишини таъкидлаган. Чунки у иш билан таъминлаш маъносини ифода қилади. Шу боис, айнан шу маънони ифода қиладиган сўз غَمَالَةٌ [umalat;un]нинг вазндоши ҳисобланди” (Abulabbos fauyumi, 1987, p.9).

“Баная фи шарҳи ҳидоя” асарида الإجازة [al-ijaarotu] сўзи الأجر [al-ajru] сўзининг исми бўлиб, الأجرة [al-ujrotu] тўлов, иш ҳақи, қалам ҳақи маъноларини ифода қилади. الإجازة [al-ijaarotu] сўзи “фо” баробари қасрли فَعَالَةٌ [fiʼaalat;un] вазнида ва “айн” баробари “фатҳа” (тушум келишиги)да бўлган فَعَلَ-يَفْعُلُ [faʼala-yafʼalu] бобида бўлади. Агар فَعَلَ-يَفْعُلُ [faʼala-yafʼulu] бобидан бўлиб, феълнинг “айн” баробари “замма” (бош келишиқ)да бўлса, إِجَارَةٌ [ijaarot;un] сўзи كَتَبَ-يَكْتُبُ [kataba-yaktubu-kitaabat;an] феълининг ўзаги сингари масдар (ўзак) исм бўлиши мумкин (Badriddin Ayniy, 1990, J.9, p.267), дейилган.

“Ҳидоя” асарида, الإجازة [al-ijaarotu] сўзи, луғатда фойдани сотиш (Burhoniddin Margʼinoniy, 2019, J.6, p.5), деб келтирилган. Унинг шарҳи “Баная фи шарҳил ҳидоя” асарида: “Шорехлар айтганларидек: الإجازة [al-ijaarotu] сўзи الأجر [al-ajru] сўзининг исми бўлиб, ижарага олинган шахсга бажарган иши эвазига берилган хизмат ҳақи маъносини ифода қилади” (Badriddin Ayniy, 1990, J.9, p.268), деб эътироз билдирган бўлса-да, “Ҳидоя” асарида ёзилган хошияда муаллиф: “الإجازة [al-ijaarotu] сўзининг шаръий истилоҳий маъноси луғавий маъносини айнан ўзидир, луғавий маъноси: “Фойдани сотиш”

демокчи бўлган” (Abdulhay Laknaviy, 1995, J.6, p.296), деб Марғинонийнинг фикрини қўллаб қувватлаган. Унинг фикрини Қоҳира араб тили академияси жамоасининг “Мўъжамул-васит” асарида келтирган фикрлари ҳам қўллаб қувватлайди. Жумладан, улар: “الإجازة [al-ijaarotu] сўзи бажарилган иш эвазига бериладиган хизмат ҳақи. Шунингдек, эваз баробарига фойда учун бериладиган ақд (шартнома) дир” (Arab tili akademiyasi, 2004, p.7), деганлар.

Хулоса қилиб айтилганда, الإجازة [al-ijaarotu] сўзи “бирор нарса эвазига бериладиган ҳақ” тушунилади. Буни кенг маънода қўллаш мумкин. Масалан, ижара ҳақи сифатида қўл меҳнати ва шу кабиларни ҳам айтиб ўтиш мумкин. Таъкидлаш жоизки, луғат китобларида кетирилган фикрлар бир-биридан кескин фарқ қилмайди. Балки, маъно ва мазмун жиҳатдан бир-бирини тўлдиради.

Шунингдек, الإجازة [al-ijaarotu] сўзининг феъли أَفَعَلَ [afala] бобида келади, яъни أَجَرَ [aajaro] ижарага бермоқ маъносини англатади. Унинг масдари табиийки, أَفْعَالُ вазнида бўлиши лозим, яъни إِجَارٌ [iijaar;un]. Аммо мазкур сўз бу вазнда кўп ўринларда қўлланилмайди. “Роддул мухтор” китобида: агар إِجَارٌ [iijaar;un] дейилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Чунки إِجَارٌ сўзи айнан фойдани сотиш маъносида қўлланилади (Ibn Obidin, 2003, J.9, p.3), дейилган.

“Ижара” сўзнинг илмий-истилоҳий маъноси хусусида ислом ҳуқуқшунослигига оид манбаларда бир-бирига яқин бўлган таърифлар келтирилган. Жумладан, ҳанафий мазҳабининг мўътабар манбаларида қуйидагича баён қилинган:

“Мухтасар ал-Қудурий” асарида таъкидланишича: “Ижара – эваз баробарига фойда учун бериладиган ақд (шартнома). Аммо, унда фойда (иш тури) ва ажр (эвазнинг миқдори) маълум бўлмаса ақд жоиз бўлмаслиги айтилган” (Abulhusayn Quduriy, 2005, p.101).

“Ҳидоя” асарининг муаллифи Бурхониддин Марғиноний (ваф. 1197) ижаранинг истилоҳий маъноси хусусида Абулхусайн Қудурий (ваф. 1029) билан ҳамфикр бўлган.

“Канзуд дақоик” асарининг муаллифи: “Ижара – маълум фойдани муайян ажр (ҳақ) эвазига сотиш” (Abul Barakot Nasafiy, 2011, p.543), деб таъриф берган.

“Баная фи шарҳи Ҳидоя” асарида муаллиф ижаранинг илмий истилоҳий маъноси ҳақида айрим фақиҳларнинг сўзларини келтирган. Жумладан, Атрозий: “Ижара – маълум миқдордаги эваз баробарига белгиланган вақтга муайян фойда учун тузиладиган ақд (шартнома)” (Badriddin Ayniy, 1990, J.9, p.268), деган.

Демак, ижара ҳанафий мазҳаби фақиҳлари истилоҳида, бир нарсани маълум миқдордаги эваз

баробарига вақтинча фойдаланиш учун бериш ёки олиш ҳамда бирор шахсни муайян эваз баробарига белгиланган ишга ёллашдир. Келишув вақтида айрим нарсаларга аниқлик киритилиши ижаранинг шартларидан ҳисобланади. Жумладан, иш тури ва ижара ҳақининг миқдори ва шу кабилар. Ижаранинг илмий истилоҳий маъносига таъриф берган ҳанафий мазҳаби уламоларидан айримларигина унинг шартларини киритган. Асосан келишув вақтида аниқлик киритилиши лозим бўлган шартлар таърифга киритилмаган.

Шофеъий мазҳабига оид манбаларда ижаранинг илмий-истилоҳий маъноси тўғрисида қуйидагича таъриф берилган:

“Нихоятул мухтаж” асарида: “Ижара – эваз баробарига фойдага эга бўлишдир” (Shamsiddin Romliy, 2003, J.5, p.261), дейилган. “Муғнил мухтаж” китобида муаллиф: “Ижара – муайян эваз баробарига тасарруфни қабул қилувчи маълум мақсад сари йўналтирилган фойдага асосланган шартномадир (Xatib Shirbiniy, 2008, J.2, p.427), деб таъриф берган.

Шофеъий мазҳаби фақиҳларининг наздида, ижара – бирор нарсадан вақтинча фойдаланишни ифода қилади. Унда муддат аниқ бўлиши ва ижарага бериладиган нарса маълум бўлиши талаб қилинади. Муддатнинг номаълум бўлиши ва фойдаланиш имкони бўлмаган нарсаларда, шунингдек, қарз олди-берди шартномалари ижара муносабатларига кирмайди.

Моликий мазҳабига оид манбаларда ижаранинг илмий истилоҳий маъноси тўғрисида қуйидагича таъриф берилган:

“Ал-Лумаъ фи фикҳил моликий” китобида: “Ижара – муайян нарсалардаги фойдани сотишдир. Бу ҳолатда ижарага берилган нарса ва ижара ҳақи аниқ бўлиши лозим. Буни сотиладиган нарса ва унинг қанча миқдорга сотилиши аниқ бўлишига ўхшатиш мумкин” (Abu Ishoq Molikiy, 2011, p.258), деб айтилган.

“Шархус соғир” китобида: “Фойдани шунча эвазга топшириш тўғрисидаги икки кишининг келишувидир” (Ahmad Dardiy, 6002, J.4, p.6), дейилган.

Ҳанбалий мазҳабига оид манбаларда ижаранинг илмий истилоҳий маъноси тўғрисида қуйидагича таърифлар берилган:

“Ал-Муғний” асарида: “Ижара – байнинг бир туридир. Чунки тарафларнинг ҳар бири бошқасига мулк қилиб беради. У (ижара) фойдани сотишдир. Фойда муайян нарсанинг ўрнидадир” (Ibn Qudoma, 1997, J.8, p.7), дейилган.

“Ал-Кофий” асарида: “Ижара – фойдани сотишдир” (Ibn Qudoma, 1994, J.2, p.169), деб қисқача таъриф берилган.

Ижаранинг илмий истилоҳий маъноси хусусида сўз юритган мазҳаб фақиҳлари бир-бирдан тубдан фарқ қиладиган таърифларни билдирмаган. Балки, бир-бирини тўлдирадиган фикрларни айтиб ўтганлар. Хулоса қилиб айтилганда, ижара – бир нарсдан маълум бир эваз барибарига вақтинча фойдаланишни ифода қиладди. Шофеъий, моликий мазҳаби фақиҳлари ижара келишувидида муддатнинг белгиланиши ва ижара ҳақининг аниқ бўлиши каби шартларни киритган. Зотан, мазкур шартлар ҳанафий ва ҳанбалий мазҳаби фақиҳларининг наздида ҳам келишув вақтида маълум бўлиши белгиланган.

Ижара шартномасининг шаръий асослари. Мантиқан олиб қараганда, ижара келишуви шариатда жоиз бўлмаслиги керак. Чунки ислом ҳуқуқшунослигида мавжуд бўлмаган нарсани сотиш ёки сотиб олиш мумкин эмас. Ижара келишуви фойдани сотиш ва уни сотиб олиш билан боғлиқ шартномадир. Бу ўринда фойда томонларнинг келишувдан кейин юзага келадиган нарса. Шу боис, Ҳасан Басрий (ваф. 728), Абу Бакр Абдурахмон ибн Асом (ваф. 892) каби фақиҳлар ижара келишувини жоиз эмас (Al-Husayn ibn Muhammad va Abdulhaq Namish, 2014, www.alukah.net), деб айтганлар. Шунингдек, Ваҳбатуз Зухайлий (ваф. 2015) “Мавсуъатул фикҳул исломий” китобида Исмоил ибн Уля, Қошоний, Нахравоний ва Ибн Кайсонлар ҳам ижара келишувини жоиз санамаганларини айтиб ўтган (Vahba az-Zuhayli, 2010, J.4, p.523).

“Бадоиус саноеъ” китобининг муаллифи Алоуддин Косоний (ваф. 587/1191) юқоридаги фақиҳларнинг фикрларини қуйидагича изоҳлаган: “Тўғри, ижара – фойдани сотишдир. Фойда айна вақтда (келишув вақтида) мавжуд эмас. Мавжуд бўлмаган нарса хусусида олди-сотди қилинмайди. Лекин истеҳсон асосида ижара келишуви китоб (Қуръони карим), суннат ва ижмо (уламолар иттифоқи) асосида собит бўлган ижтимоий ҳуқуқий муносабатдир” (Alouddin Kosoniy, 2003, J.5, p.512).

Таъкидлаш жоизки, ислом ҳуқуқшунослигида ижтимоий муносабатларни тартибга солишда фақиҳлар истеҳсон услубидан кенг фойдаланган. Ҳаётда шундай ҳодисалар юз берадики, уларнинг ҳуқуқий асослари Қуръони карим, Сунна, ижмоъда кўрсатилмаган бўлиб, қиёс орқали ҳам ҳал қилишнинг имкони бўлмайди. Бундай ҳолларда ҳанафий мазҳаби фақиҳлари истеҳсон услубини танлаб, юз берган муаммоли вазиятни ечимини топганлар. Ижара муносабатларига Қуръондан, ҳадисдан далиллар етарли, шунингдек, унинг жоиз эканига қўпчилик уламолар иттифоқ қилганлар. Аммо мазкур муносабатни жоиз эмас деган фақиҳлар

масалага мантиқий нуқтаи назардан ёндошган ва умумий қоида “мавжуд бўлмаган нарсани сотиш ёки сотиб олиш жоиз эмас”га амал қилганлар.

“Ҳидоя” асрида муаллиф: “Биз ижара келишувини инсонларнинг эҳтиёжи тушиши сабабидан жоиз санаймиз” (Burhoniddin Marginoniy, 2019, J.6, p.5), деган.

Чунки инсонлар кундалик эҳтиёжларини амалга ошириш учун гоҳида маълум бир нарса зарур бўлиб қолиши ва уни ўша вақтда бозордан сотиб олишга моддий имконияти етарли бўлмаслиги табиий ҳол. Мулкдорларга иш унумдорлиги билан бирга моддий манфаат ҳам зурур. Агар ижара келишуви шариатда дуруст бўлмайди, деган ғоя илгари сурилса, ижтимоий муносабатларни тартибга солишда қўпгина муаммоли вазиятлар жумбоқлигича қолиб кетган бўлар эди.

Ижаранинг жоизлигига Қуръони каримда келган оятлар ва муфассирларнинг фикрлари:

“Қасос” сурасининг 27-ояти: (Шуайб) **айтди: “Менга саккиз йил ишлаб беришинг шарти билан, шу икки шу икки қизимдан бирини сенга никоҳлаб берамоқчиман”** (Shayx Muhammad Sadiq, 2013, J.4, p.380).

Уламолар мазкур оят ижаранинг жоизлигига далолат қиладди, деганлар. Жумладан, “Бадоиус саноеъ” китобининг муаллифи юқоридаги оятни қуйидагича тафсир қилган: “Мени ижарачим бўлгин ёки мен сенга қизимни никоҳлаб берганим эвазига менинг қўйларимни саккиз йил боқиб бергин” (Alouddin Kosoniy, 2003, J.5, p.512).

Муаллифнинг фикрига кўра Шуайб пайғамбар Мусога ижара келишувини таклиф қилган. Унда қўйларни саккиз йил боқиш, унинг эвазига қизларини никоҳлаб бериш таклиф қилинган.

“Тафсири Қуръонил аъзим” китобида мазкур оят қуйидаги ҳадис билан тафсир қилинган: “Али ибн Робаҳ Лахмий: “Мен Утба ибн Надр Салмийнинг Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Мусо иффатини сақлаш ва қорнини тўйдириш учун ўзини ижарага берди”, деб айтганларини эшитдим”, деди” (Ibn Kasir, 1999, J.6, p.230).

Таъкидлаш жоизки, Мусо пайғамбарнинг бошқа имкони ҳам бўлмаган. Чунки ўзи Мисрдан қочиб келган ва қорнини тўйдириш учун мазкур таклиф, яъни ижара келишувига розилик билдирган.

“Таъвилоти аҳли сунна” китобида таъкидланишича: икки қиздан бири отасидан уни ижарага олишни талаб қилди. Отаси унга никоҳни таклиф қилди. Ваҳоланки, қизида никоҳга қизиқиш бўлмаган. Аллоҳ таоло оятда: **“Менга саккиз йил ишлаб беришинг бадалига”**, деб воқеани баён қилди. Бу икки хил маънони ифода қиладди:

Биринчиси, қизларнинг отаси никоҳ ва маҳрнинг бадалига саккиз йил ишлаб беришни шарт қилган. Саккиз йил муддатнинг белгиланишининг сабаби эса, ўша вақтда қўй боқувчининг саккиз йиллик меҳнати учун бериладиган хизмат ҳақи аёл кишининг маҳри мисл миқдорига тенг бўлган.

Иккинчиси, саккиз йиллик меҳнат никоҳ эвазига таклиф қилинмаган. Балки, белгиланган муддат давомида маълум бир улуш эвазига таклиф қилинган ижара келишуви. Шунингдек, у аёл учун бериладиган маҳр миқдорини ҳам ифода қилмайди. Агар оят мана шу маънони ифода қилса, унда саккиз йил белгиланиши сабаби қуйидагича бўлади:

- Мусо алайҳиссалом бошидан кечирганларини сўзлаб бергач, қизларнинг отаси Мисрга қайтиб кетолмаслигини ва саккиз йил давомида у ерда тинчлик бўлмаслигини олдиндан тахмин қилган. Шу боис, унга саккиз йил ишлашни таклиф қилган.

- Қизларнинг отаси Мусонинг қалбида ватанига қайтиш фикри борлигини сезиб, уни у ерга қайтишдан умидини узиш учун саккиз йил (шу вақт мобайнида фикри ўзгариб қолишини умидида) ишлаб беришни шарт қилган (Moturudiy, 2005, J.8, p.166).

Маҳри мисл – аёлга бериладиган маҳрнинг бири тури бўлиб, отаси тарафидан бўлган тенгдошларига берилган маҳрнинг миқдори ҳисобланади. Ёши, ҳусни жамоли, молу давлати, яшаётган ҳудуди ва замони, бокира ва саййиба (яъни, жувон)лиги инобатга олинади. Шунингдек, одоб ахлоқига ҳам эътибор қилинади. Агар отаси тарафдан тенгдошлари топилмаса, бегоналар орасидан қаралади. Аммо онаси тарафдаги тенгдошларига берилган маҳр инобатга олинмайди. Лекин ота-онасининг қариндошлиги бир ёки икки авлодда бирлашса, маҳри мислга аниқлик қитиришда онанинг қариндошларини инобатга олиш жоиз (Mulla Ali Qori, 2005, J.2, p.62).

Воқеани батафсил ўрганиб ижара келишуви олдинги пайғамбарларнинг шариатларида ҳам бўлганига ва турли шартлар асосида келишув амалга оширилганига гувоҳ бўлиш мумкин. Аҳамиятли тарафи шундаки, воқеада ижара келишуви оғзаки тарзда амалга оширилган ва томонлар мазкур келишувнинг шартларига амал қилган. Аслида қизларнинг отаси Мусонинг хулқи гўзал бўлгани боис унга қизиқиш билдирган. Шу боис, унга қизларидан бирини никоҳлаб беришини таклиф қилган. Аммо саккиз йил давомида қўйларини боқиш хусусида улар ижара келишувини амалга оширган бўлиши мумкин. Чунки айрим муфассирлар Мусога қизлардан бирини никоҳлаб бериш алоҳида

масала ва қўйларни боқиш билан боғлиқ ижара келишуви эса алоҳида деб ҳисоблаган. Шу боис, Мусо алайҳиссалом қизлардан бирига уйланиб, уларнинг отасининг қўйларини боқиб тирикчилик қилган, деб хулоса қилиш мумкин.

Шунингдек, “Бақара” сураси 233-оятда Алло таоло марҳамат қилди:

“Агар болаларингизни (эмизувчи энагага) эмиздирмоқчи бўлсангиз, берадиган ҳақни яхшилик билан тўла-тўқис тўлаб берингиз, гуноҳкор бўлмайсиз” (Alouddin Mansur, 2019, p.84).

Ислом ҳуқуқшунослигига оид манбаларда, узурли сабаб бўлса, хусусан, онада турли юкумли касалликларнинг бўлиши ёки она сути етарлича иммунитетга эга бўлмаса ва у болаланинг ривожланиши салбий таъсир кўрсатса ота болани эмизиш учун ижара шартномаси асосида бошқа аёлни ёллаши жоизлиги айтилган.

Шунингдек, узурли сабабларсиз она болани эмизишдан бош тортса ҳам ижара шартномасини амалга ошириш мумкин. Бу масалада боланинг нафақаси отанинг зиммасида бўлгани боис, у боланинг қорнини тўдириш учун онасидан бошқа аёлни ижарага ёллаши жоиз бўлади. Аллоҳ таоло бу ҳуқуқий маносабатни бошқа оят билан тўлдирган. Жумладан, “Талок” сураси 6-оятда қуйидагича баён қилинади:

“Бас, агар (талок қилган аёлларингиз) сизлар учун (бола) эмизсалар, у ҳолда уларнинг ҳақларини берингиз!” (Abdulaziz Mansurov, 2018, p.559)

“Тафсири Куръонил аъзим” китобининг муаллифи мазкур оят хусусида қуйидаги фикрларни билдирган: талок қилинган аёл ҳомиласини дунёга келтириши билан иддаси тугайди ва боин талок бўлган ҳисобланади. У ҳуқуқий жихатдан боласини эмизиш ёки эмизмаслик ихтиёрига эга. Агар болани эмизса, ижара ҳақи талаб қилиш ҳуқуқига эга. Аёл хизмат ҳақи миқдорини белгилаш юзасидан боланинг отаси ёки унинг ўрнини босувчи шахс билан келишувни амалга оширади (Ibn Kasir, 1999, J.8, p.153).

Демак, бола дунёга келганидан сўнг ота ёки унинг ўрнини босувчи шахс она сутининг болага фойдаси кўп эканлигини инобатга олиб онасига болани эмизишни таклиф қилса, она хизмат ҳақи сифатида маълум бир миқдорни талаб қилиши ҳуқуқига эга ва бу келишув ижара шартномаси орқали амалга оширилади.

Мазкур масаланинг аҳамиятли тарафи шундаки, аёл талок қилинган бўлсагина болани эмизиш учун ижара ҳақи талаб қилиши мумкин. Бу ҳақида “Таъвилоти аҳли сунна” китобида қуйидагича

таъкидланган: бу ўринда хотин киши эридан ажрашиб, болани эмизиш учун ижара шартномаси тузиши ва ижара ҳақи олиши ҳалол бўлади. Аммо эрининг никоҳида бўла туриб, эридан бўлган боласини эмизиш учун ижара ҳақи талаб қилиш жоиз эмас (Moturudiy, 2005, J.10, p.68).

Демак, ижара ҳақини олишининг жоиз эканлигига асосий сабаб, она фарзандни эмизиш ва уни боқиш билан шуғулланишидир. Чунки болани эмизиш ва унинг нафақа билан таъмилаш отасининг зиммасида. Ижара шартномаси асосида эмизишга жалб қилинган шахс (онаси ёки бошқаси) шартномада белгиланган муддат давомида болани эмизиши, уни боқиши ва тарбияси билан шуғулланиши лозим бўлади. Агар она мазкур муносабатни ижара ҳақисиз амалага оширс, у ўзи ва боласининг нафақаси учун ишлаб пул топишга мажбур бўлади. Бу эса, боланинг ривожланиши ва унинг тарбиясига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Она эрининг никоҳида бўла туриб, ундан бўлган боласини эмизиш учун ижара ҳақи олмаслигининг сабаби, боланинг ҳам онанинг ҳам нафақаси эрининг зиммасига вожиб эканлигидадир. Она болани эмизишдан бош тортиш ҳуқуқига эга. Агар шундай қилса, юқорида таъкидланганидек, ота болани эмизиш учун бошқа бир аёлни ижара шартномаси асосида эмизишга ёллади.

“Жума” сурасининг 10-оятда қуйидагича баён қилинган:

“Бас, қачонки, намоз адо қилинган, ерда тарқалиб, Аллоҳнинг фазли (ризқи)дан истайверингиз!” (Abdulaziz Mansurov, 2018, p.554).

Мазкур оятнинг тафсири хусусида “Тафсири Қуръонил аъзим” китобида қуйидагилар баён қилинган: Аллоҳ таоло ояти кариманинг аввалида жумъа намозига азон айтилган пайтда олди-сотди каби тасарруфларни ман қилди ва намозга келишга буюрди. Намозни адо қилиб бўлган, турли тарафларга тарқалишга ва Яратганнинг мараҳаматидан умид қилган ҳолда ризқ ишлари билан шуғулланишга амар қилди. Салаф уламоларидан айримлари: ким жума куни намоздан сўнг бирор нарсани сотса ёки сотиб олса, Аллоҳ таоло унга етмиш баробар барака беради (Ibn Kasir, 1999, J.8, p.122).

Демак, ижара ақди олди-сотди шартномасининг бир тури ҳисобланади. Шу боис, Аллоҳнинг марҳаматидан умид қилган ҳолда жума куни намоздан сўнг ижара келишувини амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Аммо айрим тафсир китобларида ояти каримадаги **“Аллоҳнинг фазлидан истайверингиз!”** иборасидан мурод, ризқ билан шуғулланиш дегани эмас, балки бошқа маънони

ифода қилиши айтиб ўтилган. Жумладан, “Дуррул мансур” китобида қуйидаги ҳадис ривоят қилинган: Анас ибн Моликдан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Аллоҳ таолонинг **“وَابْتَغُوا مِنْ فَضْلِ اللَّهِ”** **“Аллоҳнинг фазлидан истайверингиз!”** ояти каримасининг маъноси хусусида: “Бу молу давлат топиш учун ҳаракат қилиш эмас, балки беморнинг ҳолидан хабар олиш, жанозага ҳозир бўлиш ва Аллоҳ йўлидаги биродарини зиёрат қилиш”, деган (Jaloliddin Suyuti, 2003, J.14, p.482).

“Бадоиус саноеъ” асарида муаллиф: “Ижара ақди – Аллоҳнинг фазли (ризқи) келишига сабаб бўладиган омиллардан биридир” (Alouddin Kosoni, 2003, J.5, p.512), деган.

Демак, ояти каримадаги **“Аллоҳнинг фазли (ризқи)дан истайверингиз!”**, дегани, Аллоҳнинг марҳаматидан умид қилган ҳолда касб-камолотингизда давом этаверинг, деганидир.

Барча уламолар мазкур оятлар ислом ҳуқуқшунослигида ижара шартномаси жоиз эканига далолат қилади, деганлар.

Ижара келишувининг жоиз эканлигига ҳадиси шарифлардан далиллар.

2263. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ва Абу Бакр розияллоҳу анҳу Бану Дил қабиласидан, кейин Бану Абд ибн Адий қабиласидан хиррит йўл бошловчи ёлладилар. “Хиррит” – мохир йўл бошловчидир. У Оли Ос ибн Воил аҳдлашув қасамини ичган бўлиб, Қураш кофирларининг динида эди. Икковлари унга ишониб, уловларини беришди ва уч кечадан сўнг Савр ғорида кутишга ваъда беришди. Учинчи кечанинг тонгида у уловларни уларнинг олдига олиб келди. Икковлари жўнаб кетишди. Улар билан бирга Омир ибн Фухайр ҳам йўлга тушди. Бану Диллик йўл кўрсатувчи уларни Макканинг пастроғидан олиб кетди. У соҳил йўли эди (Oltin silsila, 2019, J.3, p.225-226).

Ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ва Абу Бакр розияллоҳу анҳулар Макка шаҳридан Мадинага ҳижрат қилиш асносида амалга оширган ижара келишуви ҳақида сўз бормоқда.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا عَنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: لَا يَسْتَأْذِنُ الرَّجُلُ عَلَى سَوْمِ أَخِيهِ وَلَا يَنْكُحُ عَلَى خُطْبَتِهِ وَقَالَ: لَا تَتَأَجَّشُوا وَلَا تَبْغُوا بِإِلْقَاءِ الْحَبْرِ وَمَنْ اسْتَأْذَرَ أَجِيرًا فَلْيُعْلَمْ أَجْرُهُ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳулардан ривоят қилинади:

“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Киши биродарининг савдосини устига савдо қилмайди, совчисини устига совчи қўймайди. Нажш қилманглар. Тош улоқтириб савдо қилманглар. Ким ижарага ёлласса унга ижара ҳақини билдириб

қўйсин”, дедилар” (Abu Bakr Bayhaqiy, 2003, J.6, p.198).

“Нажш” сўзи луғатда шишириб кўрсатиш маъносини англатади. Савдода эса, бошқаларни алдаб қизиқтириш учун бир нарсани ортиқча баҳога сотиб олишга айтилади. Бунда сотувчи билан келишиб олган шериклари бўлади. Сотувчи савдо молини мактаб туради. Шериклар эса одам тўпланганда келиб, жуда зўр нарса экан, баҳоси ҳам арзон, деб хўжақўрсинга сотиб оладилар. Буни кўриб турган бошқа кишилар ҳам қизиқиб сотиб ола бошлайдилар. Бу иш очиқ ойдин алдамчилик экани кўриниб турибди. Бундоқ услуб билан пул мол топишни Ислом ҳаром қилди (<https://islom.uz/maqola/563>).

Ҳадисда савдо-сотиқ, никоҳ ва ижара муносабатлари билан боғлиқ масалалар ёритилган. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ижаранинг асосий шартларидан бири, ижарага ёлланган кишига хизмат ҳақининг миқдорини билдириб қўйишни таъкидладилар. Бу эса, ижара келишувининг шарийатда жоиз эканлигига далолат қилади.

وَعَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا: قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: أَعْطُوا الْأَجِيرَ أَجْرَهُ قَبْلَ أَنْ يَجِفَّ عَرَفُهُ. رواه ابن ماجه

Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади.

“Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Ижарага ёлланган кишига териси қотмасдан ижара ҳақини беринглар”, дедилар” (Ibn Moja, 2009, J.3, p.511).

Ушбу ҳадиси шарифда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ижара ёлланган хизматчининг хизмат ҳақи хусусида шошилишга ва ишни тугатмаган бўлса-да ёки тугатиши биланоқ хизмат ҳақини беришга тарғиб қилмоқдалар. Бу ҳадис ҳам ижара келишувининг динимизда жоиз эканига далолат қилади.

وعن أبي هريرة - رضي الله عنه - عن النبي - صلى الله عليه وسلم - قَالَ: قَالَ اللَّهُ تَعَالَى: ثَلَاثَةٌ أَنَا خَصْمُهُمْ يَوْمَ الْقِيَامَةِ: رَجُلٌ أَعْطَى بِي ثُمَّ غَدَرَ، وَرَجُلٌ بَاعَ حُرًّا فَأَكَلَ ثَمَنَهُ، وَرَجُلٌ اسْتَأْجَرَ أَجِيرًا، فَاسْتَوْفَى مِنْهُ، وَلَمْ يُعْطِهِ أَجْرَهُ. رواه البخاري.

2227. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

“Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: “Аллоҳ деди: “Уч (киши) борки, Қиёмат куни Мен уларга хусуматчиман. Менинг номим билан (аҳд) бериб, кейин хиёнат қилган киши; хур одамни сотиб пулини еган киши; ишчи ёллаб, ундан (ишни) тўла талаб қилиб олиб, ҳақини бермаган киши” (Oltin silsila, 2019, J.3, p.201).

Мазкур ҳадиси қудсийда ижарага ёлланган киши келишувда айtilган ишни бажариб бўлганидан

сўнг унинг хизмат ҳақини берилмаса, қиёмат куни Аллоҳ таоло ижарачининг хусуматчиси бўлиши ҳақида айtilди.

Демак, юқорида келтирилган барча ҳадислар ислом ҳуқуқида ижара келишувининг жоизлиги ва унинг ҳуқуқий асосга эга эканлигига далолат қилади.

Юқорида айтиганидек, айрим олимлар ижара келишуви ислом ҳуқуқида жоиз эмас ва у ҳуқуқий асосга эга эмас, деган фикрни илгари сурганлар. Улардан баъзилари ўзларининг сўзларига қуйидаги ҳадисни далил қилиб келтирадилар. Муттакий ал-Ҳиндий (ваф. 1567) “Канзул ъуммал” китобида қуйидаги ҳадисни ривоят қилади.

77024- عن رافع بن خديج قال: مرَّ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِحَائِطٍ فَأَعْجَبَهُ فَقَالَ: لِمَنْ هَذَا؟ قُلْتُ: هُوَ لِي، مَنْ أَيْنَ لَكَ؟ قُلْتُ: اسْتَأْجَرْتُهُ قَالَ: لَا تَسْتَأْجِرُهُ بِشَيْءٍ.

42077-Рофеъ ибн Ходиждан ривоят қилинади: Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бир деворнинг олдида ўтдилар, У зотни ажаблантирди. Бу кимники?-деб сўрадилар. У меники, дедим. Бу қандай қилиб сеники бўлиб қолди?-деб сўрадилар. Ижарага олдим, дедим. Ул зот: уни бирор нарса баробарига ижарага олмагин, дедилар (Al-Muttaqiy al-Hindiy, 1985, J.15, p.537).

Ҳадисда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг “уни бирор нарса баробарига ижарага олмагин”, деган сўзлари ижарани жоиз эмас, деганларни сўзларини қувватлайди. Аммо фақиҳлар, тарихчи олимлар, муҳаддислар ҳам Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам пайғамбар қилиб юборилган вақтларида инсонлар ўзаро ижара келишувини амалга оширганлар. Ислом келиб бошқа ҳуқуқий маносабатлар сингари ижара келишуви ҳам тартибга солинган. У зотнинг ўзлари ижара келишувини амалга оширганлар ва ижара шартномаси асосида иш олиб борганларни қайтармаганлар. Юқоридаги ҳолатга келсак, бу ўзига хос ҳолат бўлиши ёки ҳадисни ривоят қилувчиси билан боғлиқ ҳолат бўлиши мумкин. Кейинчалик саҳобалар даврида ҳам ижара келишуви ислом ўрнатган тартиб асосида давом этган. Алоуддин Косоний (ваф. 587/1191) “Бадоиус Саноеъ” китобида, Асом дунёга келишидан олдин бутун уммат ижаранинг жизлигига иттифоқ қилиб бўлган (Alouddin Kosoniy, 2003, J.5, p.515), деган.

Демак, ижара бутун ислом уламолари тарафидан иттифоқ қилинган масала бўлиб, бу хусусида ихтилофга ҳожат йўқ.

ХУЛОСА

الإِجَارَةُ [al-ijaarotu] сўзининг ўзак ҳарфлари, қайси бобга тегишли экани ҳамда келишикларда қўлланиши хусусида тилшунос олимлар узоқ баҳс

юритган ва ўз фикр-мулоҳазаларини билдирган. Барчалари ўзларининг фикрларини илмий асослашга уринган. *الإجَارَةُ* [al-ijaarotu] сўзини феълнинг самоъий масдари деган олимларнинг фикрини, араб тилида айрим уч ҳарфлик феълларнинг масдарлари бир, икки сийғада келиши мумкинлиги билан изоҳлаш мумкин. Чунки баъзи қомус китобларида *إجَارَة* деб келтирилади.

Ижаранинг илмий истилоҳий маъноси хусусида нафақат ҳанафий мазҳабидаги фақиҳларининг фикрлари балки, аҳли сунна вал жамоанинг башқа мазҳабларидаги мужтаҳидларнинг ҳам фикрлари ўрганилди. Хулоса қилиб айтилганда, ижаранинг илмий истилоҳий маъноси хусусида сўз юритган мазҳаб фақиҳлари бир-биридан тубдан фарқ қиладиган таърифларни билдирмаган. Балки, бир-бирини тўлдирадиган фикрларни айтиб ўтганлар. Демак, ижара – бир нарсадан маълум бир эваз барибарига вақтинча фойдаланишни ифода қилади. Бу ўринда нарсаси тушунчаси умумий маънони ифода қилиб жонли ва жонсиз нарсаларга қўлланилади. Демак, бирон бир шахсни маълум миқдордаги эваз баробарига муайян ишга ёллаш ҳам ижара ҳисобланади. Шофеъий, моликий мазҳаби фақиҳлари ижара келишувидида муддатнинг белгиланиши ва ижара ҳақининг аниқ бўлиши каби шартларни киритган. Зотан, мазкур шартлар ҳанафий ва ҳанбалий мазҳаби фақиҳларининг наздида ҳам келишув вақтида маълум бўлиши белгиланган.

Хулоса шуки, шариатда инсонларнинг ҳар бир эҳтиёжи учун махсус ақд жорий қилинган. Масалан, муайян нарсаси эваз баробарида эгалик қилиш учун олди-сотди, унга эвазсиз эгалик қилиш учун ҳадя ақдлари жорий қилинган. Фойдага эвазсиз вақтинчалик эгалик қилиш учун иора, яъни ория ақди жорий қилинган. Бирон нарсаси эваз баробарида вақтинча эгалик қилиш учун эса ижара шартномаси жорий қилинган. Демак, агар ижара ақдига инсонларнинг эҳтиёжи бўлишига қарамасдан, жорий қилинмаса, мазкур эҳтиёжни ҳал қилиш йўли топилмаган ва ижтимоий маносабатларда юзага келган муаммоларни ҳал қилишда жуда қийинчилик юзага келган бўлар эди..

АДАБИЁТЛАР

1. Абдулазиз Мансуров (2018) Қуръони карим маънолар таржимаси ва тафсири – Т.: “Ўзбекистон ислом университети”, 2018. – 621 б.
2. عبد الحي الكوني. (1995) الهداية شرح بداية المبتدي. باكستان. إدارة إسلاميات. 1995. الجزء السادس. – 528 ص
3. عبد الرحمن الجزيري. (2003) كتاب الفقه علي مذهب الأربع. بيروت. دار الكتب العلمية. 2003. الجزء الثالث. – 312 ص

4. أبو بكر البهقي. (2003) السنن الكبرى. بيروت. دار الكتب العلمية. 2003. الجزء السادس. – 616 ص
5. أبو إسحاق المالكي. (2011) اللع في فقه المالكي. القاهرة. دار الأفاق العربية. 2011. – 329 ص
6. أبو البركات النسفي. (2011) كنز الدقائق في علم الفروع. مدينة. دار السراج. 2011. – 728 ص
7. أبو العباس الفيومي. (1987) المصباح المنير في غريب الشرح الكبير. بيروت. مكتبة اللبنا. 1987. – 280 ص
8. أبو الحسين القدوري. (2005) مختصر القدوري. بيروت. مؤسسة الريان. 2005. – 671 ص
9. أحمد دردير. (2006) شرح الصغير. القاهرة. دار المعرفة. 2006. الجزء الرابع. – 976 ص
10. Al-Husayn ibn Muhammad va Abdulhaq Hamish, 2014, <https://www.alukah.net/sharia/0/67759/#ixzz66HnF6ruY>
11. علاء الدين الكاساني الحنفي. (2003) بدائع الصنائع في ترتيب الشرائع. بيروت. دار الكتب العلمية. 2003. الجزء الخامس. – 576 ص
12. بدر الدين العيني. (1990) البناء في شرح الهداية. بيروت. دار الفكر. 1990. الجزء التاسع. – 564 ص
13. برهان الدين المرغيناني الحنفي. (2019) الهداية في شرح بداية المبتدي. مدينة المنورة. دار السراج. 2019. الجزء السادس. – 568 ص
14. <https://islom.uz/maqola/563>
15. ابن كثير الدمشقي. (1999) التفسير القرآن العظيم. الرياض. دار الطيبة. 1999. الجزء السادس. – 600 ص
16. ابن منظور الإفريقي المصري (2005). لسان العرب. القاهرة. دار المعارف. الجزء الرابع. 2005. – 628 ص
17. ابن ماجه. (2009) سنن ابن ماجه. دمشق. دار الرسالة العلمية. 2009. الجزء الثالث. – 720 ص
18. ابن العابدین. (2003) رد المختار علي در المختار. الرياض. دار العالم الكتب. 2003. الجزء التاسع. – 623 ص
19. ابن قدامة المقدسي. (1994) الكافي. بيروت. دار الكتب العلمية. 1994. الجزء الثاني. – 352 ص
20. ابن قدامة المقدسي. (1997) المغني. الرياض. دار العالم للكتبة. 1997. الجزء الثامن. – 643 ص
21. أبو منصور الماتريدي. (2005) تأويلات أهل السنة (تفسير الماتريدي). بيروت. دار الكتب العلمية. 2005. الجزء الثامن. – 726 ص
22. أبو منصور الماتريدي. (2005) تأويلات أهل السنة (تفسير الماتريدي). بيروت. دار الكتب العلمية. 2005. الجزء العاشر. – 702 ص
23. جلال الدين السيوطي. (2003) الدر المنثور في التفسير بالمأثور. القاهرة. 2003. الجزء الرابع عشر. – 728 ص
24. ملا علي القاري. (2005) فتح باب العناية. بيروت. دار الأرقم بن أبي الأرقم. 2005. المجلد الثاني. – 577 ص
25. المتقي الهندي. (1985) كنز العمال في سنن الأقوال والأفعال. بيروت. مؤسسة الرسالة. 1985. الجزء الخامس عشر. – 972 ص
26. Ўзбек тилининг изоҳли луғати: Таҳрир ҳайъати: Т. Мирзаев (раҳбар) ва бошқа.; ЎЗР ФА тил ва адабиёт ин-ти. – Т.: “Ўзбекистон миллий инциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008. 5 муҷаллад/2. – 592 б.
27. Олтин силсила: (2019) 3-жуз. Саҳиҳул Бухорий. – Тошкент. “Ҳилол-нашр”, 2019. – 672 б.
28. مجمع اللغة العربية. (2004) المعجم الوسيط. القاهرة. مكتبة الشروق الدولية. 2004. – 1097 ص
29. شمس الدين الرملي. نهاية المحتاج. بيروت. دار الكتب العلمية. 2003. الجزء الخامس. – 486 ص
30. Шайх Алоуддин Мансур. (2019) Қуръони Азим. Мухтасар тафсири. – Т.: “Шарқ” 2019. – 992 б.
31. Шайх Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф. (2013). Тафсири Ҳилол. 4-жуз/ Шайх Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф. Тузатилган ва тўлдирилган қайта нашр. – Т.: “Ҳилол-нашр”, 2013. – 640 б.

32. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. (2018) Кифоя. 3-жуз. – Т.: “Ҳилол-Нашр” 2018. – 548 б.
33. وَهْبَةُ بْنُ مُصْطَفَى الرَّحِيلِيِّ. (2010) الموسوعة الفقه الإسلامية والقضايا المعاصرة. دمشق. دار الفكر. 2010. الجزء الرابع. – 799 ص
34. الخطيب الشربيني. مغني المحتاج. بيروت. دار المعرفة. 2008. الجزء الثاني. – 564 ص

REFERENCES

1. Abdulaziz Mansurov. (2018) Qur'oni karim ma'nolar tarjimai va tafsiri – T.: “O'zbekiston islom universiteti”, 2018. – 621 b.
2. Abdulhay Laknaviy. (1995) Xoshiyatu Hidoya. – Pokiston. “Idoratul Qur'on val 'ulumul-islomiyya”. 8 mujallad/6. – 269 b.
3. Abdurahmon Jaziriy. (2003) Kitobul fiqh 'ala mazahibil arba'. – Bayrut. Dorul kutubul ilmiyya. 5 mujallad/3. 2003. – 312 b.
4. Abu Bakr Bayhaqiy. (2003) Sunanul kubro. – Bayrut. “Dorul kutubul ilmiyya”, 2003. 11 mujallad/6. – 616 b.
5. Abu Is'hoq Molikiy. (2011) Luma' fi fiqhul molikiy. – Qohira. Dorul afaql arabiya. 2011. – 329 b.
6. Abul Barakot Nasafiy. (2011) Kanzud daqiq. – Bayrut. “Darul bashairul islomiyya”. – 728 b.
7. Abulabbos Fayyumi. (1987) Misbahul munir fi g'aribish-sharhil-kabir. – Bayrut. “Maktabutul lubnan”. 1987. – 280 b.
8. Abulhusayn Quduriy. (2005) Muxtasarul Quduriy. Bayrut. “Muassatul rayyon”. 2005. – 671 b.
9. Ahmad Dardiir. (2006) Sharhus sog'ir 'ala aqrabil masalik ila mazhabil imomi Molik. – Qohira. “Dorul ma'rifa”. 4 mujallad/4. – 976 b.
10. Al-Husayn ibn Muhammad va Abdulhaq Hamish, 2014, <https://www.alukah.net/sharia/0/67759/#ixzz66HnF6ruY>
11. Alouddin Kosoniy. (2003) Badoius sanoe' fi tartibish sharoe'. – Bayrut. “Dorul kutubul ilmiyya”. 2003. 10 mujallad/5. – 576 b.
12. Badriddin Ayniy. (1990) Banayo fi sharhi hidoya. – Bayrut. “Dorul-fikr” 1990. 12 mujallad/9. – 564 b.
13. Burhoniddin Marg'inoniy. Hidoya sharhu bidoyatil muhtadiy. – Madina. “Dorus siroj”. 2019. 7 mujallad/6. – 568 b.
14. <https://islom.uz/maqola/563>
15. Ibn Kasir Damashqiy. (1999) Tafsirul Qur'onil A'zim. – Riyoz. “Doru Tayyiba”. 1999. 8 mujallad/6. – 600 b.
16. Ibn Manzur. (2005) Lisanul arab. – Qohira. “Dorul ma'orif”. 13 mujallad/4. – 628 b.
17. Ibn Moja. (2009) Sunani Ibn Moja. – Bayrut. “Doru risolatal 'ilmiyya”. 2009. 5 mujallad/3. – 720 b.
18. Ibn Obidin. (2003). Roddil muxtor 'ala durrul muxtor. – Riyoz. “Dori olamul kutub”. 2003. 13 mujallad/9. – 623 b.
19. Ibn Qudoma. (1994) Al-Kofiy. – Bayrut. “Dorul kutubul ilmiyya”. 1994. 5 mujallad/2. – 352 b.
20. Ibn Qudoma. (1997) Al-Mug'niy. – Riyoz. “Dorul olamul kutub”. 1997. 15 mujallad/8. – 643 b.
21. Imom Moturudiy. (2005). Ta'vilotu ahli sunna (Tafsiru Moturudiy). – Bayrut. “Dorul kutubul ilmiyya” 2005. – 10 mujallad/8. – 726 b.
22. Imom Moturudiy. (2005). Ta'vilotu ahli sunna (Tafsiru Moturudiy). – Bayrut. “Dorul kutubul ilmiyya” 2005. – 10 mujallad/10. – 702 b.
23. Jaloliddin Suyutiy. (2003) “Durrul mansul fit tafsir bil masur”. – Qohira. “Markaz hijr lil buhus vad dirosat lil arabiiyyati val islomiyya”. 2003. 17 mujallad/14. – 728 b.
24. Mulla Ali Qoriy. (2005). Fathu bobu 'inoya. – Bayrut. “Dorul arqam ibn Abul arqam”. 3 mujallad/2. – 577 b.
25. Muttaqiy al-Hindiy. (1985). Kanzul 'ummal fi sunanil aqvol val af'al. – Bayrut. “Muassasatur risola”. 1985. 18 mujallad/15. – 972 b.
26. O'zbek tilining izohli lug'ati: (2008) Tahrir hay'ati: T. Mirzaev (rahbar) va boshqa.; O'zR FA til va adabiyot in-ti. – T.: “O'zbekiston milliy insiklopediyasi” Davlat ilmiy nashriyoti, 2008. 5 mujallad/2. – 592 b.
27. Oltin silsila: (2019). 3-juz. Sahihul Buxoriy. – Toshkent. “Hilol-nashr”, 2019. – 672 b.
28. Qohira arab tili akademiyasi. Mo'jamul vasit. – Qohira. “Maktabatu Shuruqud-duvaliyya”. 2004. – 1097 b.
29. Shamsiddin Shofe'iy. (2003) Nihoyatul muhtoj ila sharhil minhaj. – Bayrut. “Dorul kutubul ilmiyya”. 2003. 9 mujallad/5. – 486 b.
30. Shayx Alouddin Mansur. (2019) Qur'oni Azim. Muxtasar tafsiri. – T.: “Sharq” 2019. – 992 b.
31. Shayx Muhammad Sodik Muhammad Yusuf. (2013). Tafsiri Hilol. 4-juz/ Shayx Muhammad Sodik Muhammad Yusuf. Tuzatilgan va to'ldirilgan qayta nashr. – T.: “Hilol-nashr”, 2013. – 640 b.
32. Shayx Muhammad Sodik Muhammad Yusuf. (2018). Kifoya. 3-juz. – T.: “Hilol-Nashr” 2018. – 548 b.
33. Vahba az-Zuhayliy. (2010) Mavsu'atul fiqhul islomiy val qazoya mu'asara. – Damashq. “Dorul fikr”. 2010. 13 mujallad/4. – 799 b.
34. Xatib Shirbiniy. (2008) Mug'nil muhtaj. – Bayrut. “Dorul ma'rifa”. 2008. 4 mujallad/2. – 564 b.